

# ЮХАННОНИНГ ИККИНЧИ МАКТУБИ

## Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масихнинг шогирди Юҳаннодир. Юҳанно бу мактубини “Худо танлаган азиз хоним билан унинг болаларига” деб йўллаган бўлса-да, бу ерда у имонлилар жамоатини ва жамоат аъзоларини назарда тутган бўлса керак.

Муаллиф бу мактуби орқали имонлиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, Исо Масихга бўлган имонини маҳкам тутишга ва сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки бундай “пайғамбарлар” Масих\*, яъни Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган\*, деб айтишган. Муаллиф имонли биродарларини тез орада кўриш истаги борлигини изҳор этиб, мактубини якунлайди.

Юҳаннонинг иккинчи мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

## 1-БОБ

### Дуойи салом

<sup>1</sup>Худо танлаб олган азиз хоним ва унинг болаларига\* мен — оқсоқолдан\* салом! Мен сизларни чин дилдан яхши кўраман, менгина эмас, ҳақиқатни билиб олганларнинг ҳаммаси сизларни яхши кўради. <sup>2</sup>Бу севгига дилимиздан жой олган ва то абад биз билан бўладиган ҳақиқат асос бўлди.

<sup>3</sup>Биз ҳақиқат ва севги бўйича яшар эканмиз, Отамиз Худо ва Отамизнинг Ўғли Исо Масих берадиган иноят, марҳамат ва тинчлик бизга\* доим ёр бўлади.

### Ҳақиқат ва меҳр-муҳаббат

<sup>4</sup>Ҳурматли хоним, фарзандларингизнинг бир нечтаси Отамиз Худонинг бизга берган амрини\* бажариб, ҳақиқат йўлида юраётган эканлар. Мен бундан ғоят хурсанд бўлдим.

<sup>5</sup>Сиздан бир илтимосим бор, бир-биримизни яхши кўрайлик. Сизга янги амрни ёзаётганим йўқ, бу амр бизга бошидан берилган. <sup>6</sup>Севги — биз Худонинг амрларига амал қилишимиздан иборат. Сизлар бу амрни бошидан эшитгансизлар ва унга амал қилиб яшашингиз керак.

<sup>7</sup>Буларни ёдингизда тутинглар, чунки дунёда ёлғончилар кўпайиб кетган. Исо Масих инсон бўлиб келганини улар тан олмайдилар\*. Уларнинг ҳар бири ёлғончи ва Масихнинг душманидир!\* <sup>8</sup>Шундай экан, огоҳ бўлинглар! Мукофотингизни тўлиқ олиш учун Масихга бўлган ҳақиқий имонингизни\* маҳкам тутинглар.

<sup>9</sup>Масих таълимотини ортда қолдириб, ўзича “жадаллаб кетган” одамда Худо йўқ. Масих таълимоти бўйича яшаган одамда эса Ота ҳам, Ўғил ҳам бор. <sup>10</sup>Агар бирор киши олдингизга келиб, сизларга бошқача таълимотни ўргатса, уни уйингизга киритманглар, таклиф ҳам қилманглар. <sup>11</sup>Агар уни таклиф қиладиган бўлсангиз, унинг ёмон ишларига шерик бўлган ҳисобланасиз.

### Хайрлашув

<sup>12</sup>Сизларга айтадиган гапим кўп, аммо буларни сиёҳ билан қоғозга ёзишни истамадим. Ундан кўра, олдингизга бориб, сизлар билан юзма-юз гаплашаман, деб умид қиламан. Шунда шодлигимиз\* тугал бўлади.

<sup>13</sup>Худо танлаб олган азиз синглингизнинг болалари\* сизларга салом йўллашяпти\*.

## ИЗОҲЛАР

*Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига ва ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

*...Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган...* — 1 Юҳанно 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

**1:1** *Худо танлаб олган азиз хоним ва унинг болалари* — маълум бир имонлилар жамоати ва жамоат аъзолари назарда тутилган бўлса керак.

**1:1** *оқсоқол* — яъни ҳаворий Юҳанно.

**1:3** *Биз...биз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Сизлар...сизлар*.

**1:4** *Отамиз Худонинг бизга берган амри* — 1 Юҳанно 3:23 га қаранг.

**1:7** *Исо Масиҳ инсон бўлиб келганини улар тан олмайдилар* — 1 Юҳанно 2:22, 4:1-3 га ва 1 Юҳанно 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг. Яна 1 Юҳанно 4:10, 5:5 га қаранг.

**1:7** *Масиҳнинг душмани* — 1 Юҳанно 2:18, 4:3 га қаранг.

**1:8** *Масиҳга бўлган ҳақиқий имонингиз* — юнонча матндан сўзма-сўз таржимаси *биз бажарган иш*, бу ўринда уларнинг Исо Масиҳга бўлган имони назарда тутилган.

**1:12** *шодлигимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *шодлигингиз*.

**1:13** *Худо танлаб олган азиз синглингизнинг болалари* — бу ўринда имонлилар жамоати назарда тутилган бўлса керак. Айниқса, муаллиф қайси жамоатда бўлган бўлса, ўша жамоатга ишора бўлиши мумкин.

**1:13** Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.